# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 6 март, № 46 (5466) Сешанба

# АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## барча соҳаларнинг самарали фаолияти ва жадал ривожида муҳим аҳамиятга эга

*Мобиль телефонлар, компьютерлар, бошқа кўплаб замонавий электрон алоқа воситаларисиз бугунги шиддатли даврда кундалик ҳаётни мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, алоқа соҳасидаги янгиликлар унинг анъанавий турлари, масалан, оддий телефонлар ва почта хизматига ҳам кенг татбиқ этилмоқда. Булар бугун баъзиларга бир оз эскиргандек туюлса-да, кўпчилик улардан кенг фойдаланади. Шу маънода, кўпгина ўзгаришлар мазкур соҳа ривожига боғлиқ бўлиб қолди, десак, айни ҳақиқат.*

Ислоҳот





Мамлакатимиз раҳбарининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас. Унда Президентимиз алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг жадал суръатларда ривожланаётганини бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозимлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, алоқанинг замонавий воситалари ва технологиялари ўз имкониятлари билан давримизнинг асосий сифат кўрсаткичларидан бирига айланиб бормоқда. Ҳозирги алоқа техникалари ишлаб чиқарувчиларнинг машҳур брэндлари ёки оммавийлашиб кетган онлайн-хизматлар тўғрисида эшитмаган ёхуд ўқимаган кунимиз йўқ. Бироқ уларнинг барчасидан фойдаланиш учун биргина замонавий мобиль телефон, планшет ёки компьютернинг ўзи камлик қилади. Ахир уяли алоқа тармоғи сигнали ёки интернетга чиқиш имконияти бўлмаса, бундай ускуналарнинг бирортаси ҳам ишламайди. Шу боис истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш учун, аввало, тегишли инфратузилмани кенгайтириш ва модернизация қилиш талаб этилади.

Айни шу масала бугунги кунда мамлакатимизда ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Мустақиллик йилларида мавжуд телекоммуникация хизматларининг ишончлилигини ва сифатини ошириш ҳамда замон талабларига жавоб берадиган янги турларини ҳаётга татбиқ этиш борасида катта ишлар қилинди. Бутун республика миқёсида илғор коммутацион ускуналар ўрнатилиб, ишга туширилди, тезкор оптик толали алоқа линиялари ётқизилди. Тармоқдаги бундай ўзгаришлар аниқ стратегияга эга. Зеро, соҳа жадал ривожланиб бормоқда. Тараққиётдан орқада қолмаслик учун буни ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ.

## Ишончли алоқа кафолати

Ўтган йили мамлакат телекоммуникация тизимини ривожлантириш босқичма-босқич давом эттирилди. Хусусан, "Жиззах — Булунғур" йўналишида 73 километрлик оптик толали алоқа линиялари ётқизилди. Бу мамлакат ҳудудлари билан ишончли алоқани йўлга қўйишга хизмат қилади.

Модернизация ишларининг нақадар муҳим аҳамиятга эгалигини мазкур соҳага йўналтирилаётган маблағлар, хусусан, хорижий сармоялар ҳажмидан ҳам билиб олиш мумкин. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маълумотларига кўра, ўтган йили шу мақсадга 266,7 миллион доллар миқдорида хорижий сармоялар ва кредитлар жалб этиш билан бирга, мамлакатимиздаги корхоналарнинг 72,3 миллиард сўм маблағи ҳам сарфланди.

2012 йилда бу ишларни давом эттириш, яъни телекоммуникация соҳасида 11 йирик лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Булар сирасига умумий узунлиги 172 километрлик "Ургут — Шаҳрисабз" ва "Бойсун — Денов" алоқа линиялари киради. Шунинг ҳисобига ҳудудларда юқори тезликка эга тармоқлар янада кенгайтирилади, 89 та симсиз алоқа станцияси ишга туширилади. Мазкур вазифаларни амалга оширишга 176,5 миллион доллар миқдорида маблағ жалб этиш режалаштирилган.

Кўпчилик телефон алоқасидан ёки глобал тармоқдан фойдаланганда, ана шу хизматларни ташкил қилиш учун зарур мураккаб тизим қандай йўлга қўйилгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Ваҳолонки, бунинг учун тармоқни доимий равишда такомиллаштириб бориш талаб қилинади. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маълумотига кўра, 2011 йилда бу соҳада 2,4 триллион сўмлик хизмат кўрсатилган. Бу эса олдинги йилдагига нисбатан анча кўп. Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, умумий даромаднинг 65,8 фоизи айнан аҳолига кўрсатилган хизматлардан тушган.

4-бетга қаранг.

Туҳфа

*Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

## Спортчи қизларга – Президент совғаси

Ўғил-қизларимизни замонавий билим ва тафаккурга эга, айни пайтда жисмонан соғлом, руҳан тетик инсонлар қилиб тарбиялашнинг самарали тизими ҳаётга изчил татбиқ қилинаяпти. Бу борада, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамиятга эга бўлаётир.

Мазкур жамғармага асос солингач, қисқа муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 1400 дан зиёд замонавий болалар спорт объектлари фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоотларда спортнинг барча турлари бўйича мунтазам шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Мамлакатимизда "Соғлом она — соғлом бола" дастурини амалга оширишда ҳам қизларни спортга жалб этиш жиддий вазифа ҳисобланади. Алоҳида рағбат сабаб хотин-қизлар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Айниқса, спортнинг бадиий гимнастика, акробатика, теннис, синхрон сузиш каби турлари қизлар ўртасида тобора оммалашаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## Оила мустаҳкамлигини таъминлаш

### банк тизимининг молиявий кўмагига кўп жиҳатдан боғлиқ

Анжуман

Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика Марказий банки томонидан "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда банк тизимининг роли" мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

Таъкидландики, Президентимиз ташаббуси билан жорий йил мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши тижорат банклари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Нега деганда, ижтимоий ва иқтисодий соҳалар ривожида ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бораётган кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, шунингдек, шинам уй-жойлар билан таъминлаш масалаларини ҳал этишда молия муассасаларининг кўмаги беқиёсдир. Шу боис кейинги йилларда жамият фаровонлигини таъминлашга қаратилган бу каби лойиҳаларни молиялаштиришга жиддий эътибор берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Тошкент

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Офицерлар марказий уйида Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган ва Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллигига бағишланган "Энг гўзал ҳарбий аёл" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.*

## Энг яхши ҳарбий хизматчи аёллар аниқланди

Жамиятнинг маданий ва маънавий даражаси кўп жиҳатдан хотин-қизларга бўлган муносабат билан белгиланади. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ўз салоҳиятини намойиш этиши учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўрик-танлов ҳарбий хизматчи аёлларни рағбатлантириш, уларнинг касб маҳоратини ҳар томонлама ошириш, ўз қобилиятларини намойиш этишлари учун имконият яратиш, шунингдек,

(Давоми 2-бетда).

Бухоро

*Вилоят шаҳар ва туманларида ўтган йили 94 маротаба меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, 7200 нафар кишининг бандлиги таъминланди.*

## Меҳнат ярмаркаси

Қоракўл туманида ўтказилган ана шундай тадбирда 30 та корхона ва ташкилот 524 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Якунда 390 нафар кишига ишга жойлашиши учун йўлланмалар берилди. Уларнинг аксарияти қишлоқ ёшлари эканлиги, айниқса, қувонарлидир.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ташаббусга муносиб рағбат

*Урганч шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Меҳр нури" жамғармалари махсус грантларининг тақдимот акцияси бўлиб ўтди.*

Хоразм

Мазкур тадбирда "Таълим грантлари", "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар" ва "Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грантлар" дастурлари ҳақида олий ўқув юртларининг талабалари, иқтидорли ёшлар, тадбиркор аёллар, шунингдек, жамоатчилик вакилларига батафсил маълумот берилди.

Биласиз, мазкур дастурлар етук интеллектуал салоҳиятли йигит-қизларни кашф қилиш, иқтидорли талабаларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган ташаббускор, тадбиркор аёлларга молиявий кўмаклашиш мақсадида жорий этилган.

(Давоми 2-бетда).

## Корхонанинг янги қуввати

*Музработ туманидаги "Дилрабо Барака" хусусий корхонаси чеварлари тайёрлаётган маҳсулотларга ички бозорда талаб ортиб бормоқда.*

Сурхондарё

Буни инобатга олган жамоа ўз маблағи ҳамда банкнинг молиявий кўмагида ишлаб чиқариш фаолиятини оширишга эришди. Айни пайтда корхонада ойига 50 миллион сўмлик аёллар либослари, болалар ва катталар кийим-кечаклари тайёрланаяпти. Эътиборлиси, янги қувватларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига 14 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича вилоят ҳудудий дастурига кўра ўтган йили туманда 10 та янги корхона ташкил қилинди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тошкент вилояти

*Оққўрғон туманида қолипли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Оққўрғон иссиқ нон" масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсата бошлади.*

## Ихчам ва тежамкор

Корхонани ихчам ва тежамкор минитехнология билан жиҳозлашда банкнинг 80 миллион сўмлик молиявий мадади қўл келди. 14 кишининг бандлигини таъминлаган жамият иш бошлагандан буён ўтган қисқа фурсатда аҳоли дастурхонига 15 миллион сўмлик сифатли маҳсулот етказиб берди.

Таъкидлаш лозимки, ўтган йили туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун молия муассасалари томонидан ажратилган кредитлар миқдори 5,3 миллиард сўмни ташкил этди. Бунинг ҳисобига ҳудудда 4008 та иш ўрни яратилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида ушбу муассасада бир ой давомида малака оширган профилактика инспекторларига сертификатлар топшириш маросими ўтказилди.*

Тадбир

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов таъкидлаганидек, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда аҳоли тинчлиги, хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида милиция таянч пунктлари фаолияти йўлга қўйилиб, улар бугунги кун талаблари даражасида ривожлантирилаётгани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲАЖМИ ЯНАДА ОШАДИ

***2012 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажми анча ошиб, ўтган йилдагига нисбатан***

**9,3 фоиз ўсиши кутилмоқда.**

Бу пировардида барча соҳа ва тармоқларда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қиладиган кўплаб инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

# ИЗЧИЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК – МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

*Маълумки, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорликни изчил кучайтириш Сенат олдига қўйилган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда, аввало, маҳаллий Кенгашларнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда парламент ҳамда депутатлик назоратини тўлақонли рўёбга чиқариш ниҳоятда муҳимдир.*

Парламент ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан жойларда ташкил этилган семинар-тренингларда ана шу масалалар алоҳида муҳокама қилинди. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилган мазкур тадбирларда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари масъул ходимлари қатнашди.

Чунончи, Андижон вилоятида ўтказилган тадбирда алоҳида қайд этилганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати маҳаллий Кенгашлар депутатлар корпуси билан узвий алоқаларни таъминлаш, улар билан ҳамкорликда ишлашни жой-жойига қўйиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширди. Ўтган давр мобайнида бу борадаги Сенат кўмиталари билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ўзаро ҳамкорлиги мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди.

— Президентимиз томонидан таклиф қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларнинг рўёбга чиқарилишида маҳаллий Кенгашларнинг ҳам муҳим ўрни бор, — деди халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси Муҳиддин Мирзаев. — Шунинг учун Кенгашимиз томонидан Концепциянинг асосий йўналишларидан келиб чиқадиган вазифалар ижроси бўйича тегишли дастурлар тасдиқланди. Айни пайтда мазкур дастуриламал ҳужжат мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Бунда, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг фаоллигини кучайтиришга эътибор қаратилмоқда. Ҳудудий дастурларда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида маҳаллий Кенгашлар ҳамда доимий комиссиялар томонидан таъсирчан назорат ўрнатилгани ўз самарасини бермоқда. Натижада мавжуд дастурлар янада такомиллаштирилиб, зарур ҳолларда, уларга тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиб борилмоқда. Сенат комиссияси томонидан фаолиятимизни кучайтириш бўйича кўрсатилаётган амалий кўмак, шубҳасиз, бу борадаги ишларимиз самарадорлигини оширишда айни муддао бўлди.

Йиғилишда маҳаллий Кенгашлар, уларнинг доимий комиссиялари иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастури, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашишини мунтазам назорат қилиб бориши зарурлиги таъкидланди. Бундан ташқари, "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан қабул қилинган давлат ҳамда ҳудудий дастурларнинг жойлардаги ижроси доимий эътиборда бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

— Депутат жойлардаги масалаларни ҳал этишда фаоллик кўрсатиши, аҳолининг турли муаммоларини ечишда ташаббускор бўлиши давр талабидир, — деди халқ депутатлари Олтинкўл тумани Кенгашининг саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари доимий комиссияси раиси Позилбек Ҳайитов. — Шундагина сайловчиларнинг ишончи ортади, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнлари жадаллашади. Шу боис доимий комиссиямиз қишлоқларда, айниқса, чекка ва олис маҳаллаларда аҳолига сифатли алоқа ҳамда сервис хизмати кўрсатишнинг бугунги аҳволига мунтазам эътибор қаратиб келади. Ечимини кутаётган долзарб масалалар туман Кенгаши сессияларида бир неча бор муҳокама этилди. Натижада қишлоқларимизда янги технологияларга асосланган тезкор алоқа тизими, рақамли телекўрсатувлар узатиш йўлга қўйилди. Сенат комиссияси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур семинар-тренинглар фаолиятимизни янада кенгайтиришга хизмат қилади, албатта.

Наманган вилоятида ўтказилган семинар-тренингда ҳам халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари, депутатларга фуқаролар мурожаати юзасидан назоратни кучайтириш, бунда депутатлик сўровидан кенг фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини иқтисодий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни вояга етмаганлар билан ишлашни янада такомиллаштириш, бандлик дастури ижросида фаол қатнашиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Семинар-тренингда маҳаллий Кенгашлар ва уларнинг доимий комиссиялари, депутатлар олдида турган вазифалар хусусида атрофлича фикр-мулоҳаза алмашилди. Хусусан, ҳудудий дастурлар ижроси устидан депутатлик назоратини мустаҳкамлаш, бунда, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш, ижтимоий шериклик ва бошқа қонунчилик механизмларидан самарали фойдаланиш зарурлиги тавсия қилинди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Президент совғаси — спортчи қизлар учун миллий қадриятларимизга мос кийим-кечакларнинг тарқатилиши ҳам бу борада кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

Айни пайтда юртимизнинг барча шаҳар ва туманларида спорт билан шуғулланаётган 6 ёшдан

## Спортчи қизларга – Президент совғаси

18 ёшгача бўлган ўқувчи-қизларга Президент совғаси — спорт кийимлари топширилмоқда.

— Спорт кийимлари ихчам ва бежиримлиги билан бизга жуда манзур бўлди, — дейди Тўрақўрғон туманидаги 36-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Ўғилой Абдужабборова. — Мен бир неча йилдан буён бадиий гимнастика билан шуғулланиб келаман. Яқинда республика биринчилигида иштирок этиб, чемпион бўлдим. Келгусида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган етук спортчи бўлиш ниятида машғулотларда фаол қатнашяпмиз.

Шунингдек, республикамиз мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларида таҳсил олиш баробарида спорт билан мунтазам шуғулланаётган, кам таъминланган оила фарзандларидан 190 минг нафарига ҳам спорт кийимлари топширилмоқда. Ушбу тадбирларда спорт фахрийлари ва таниқли спортчилар ҳамда болалар спорт иншоотларини барпо қилишда фидойилик кўрсатган ташкилот ва жамоалар вакиллари иштирок этмоқда.

**Баҳриддин ШАЙВАЛИЕВ.**

# Оила мустаҳкамлигини таъминлаш

### банк тизимининг молиявий кўмагига кўп жиҳатдан боғлиқ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Хусусан, ўтган йили тижорат банклари томонидан соҳа субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 1,5 бароборга ўсиб, 4 трлн. 41 млрд. сўмни ташкил қилгани бунинг ёрқин исботидир. Айниқса, кичик тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажми оширилиб, биргина "Микрокредитбанк" томонидан 159,7 млрд. сўм маблағ шу мақсадларга йўналтирилгани, жумладан, қишлоқ жойларда оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун аввалги йилдагига нисбатан 1,8 баробар кўп, жами 54,1 млрд. сўм сармоя сарфланганлиги диққатга сазовордир.

Анжуманда сўзга чиққан тижорат банклари мутасаддиларининг қайд этишича, жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаяди. Гап шундаки, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурига мувофиқ, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга, уларнинг бизнес лойиҳаларини имтиёзли шартлар асосида кредитлашга алоҳида эътибор қаратилади. Соҳа субъектларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 4,5 трлн. сўм миқдорида маблағлар йўналтириш юзасидан зарур чоралар кўрилаётгани шундай дейишимизга асос бўла олади. Унинг салмоқли қисмини, яъни 843 млрд. сўмдан кўпроғини микрокредитлар ташкил қилади. Шундан 28,3 млрд. сўмдан ортиғи касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга, 68 млрд. сўми ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга, 365 млрд. сўмдан зиёди эса ишбилармон аёлларга кўмаклашиш, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга ажратилиши кўзда тутилган.

Ёш оилаларни ижтимоий муҳофазалашни янада кучайтириш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, замонавий тураржойлар билан таъминлаш масаласи ҳам тижорат банклари диққат-эътиборида турибди. Масалан, ҳар бир банкда "Ёш оилаларга — истеъмол кредитлари" дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ, мустақил ҳаётга энди қадам қўйган ёшларга энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида истеъмол кредитлари берилмоқда. Бундан ташқари, тижорат банкларининг маблағлари ҳисобига 2012 — 2013 йилларда ҳар бири 48 хонадонли 100 та уй-жой қурилиб, ёш оилаларга топширилиши мўлжалланаётир.

Анжуманда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, шу тарзда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган устувор вазифалар ижроси юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида ҳам атрофлича маълумотлар берилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Таҳлил ва таққос

*Юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва иқтисодий барқарорлик хорижий сармоядорларни тобора кўпроқ жалб этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити чет эллик ишбилармонлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир. Хусусан, ишлаб чиқаришга йўналтирилаётган сармоялар импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар тури ҳамда ҳажмини ошириш имконини беряпти.*



# ИНВЕСТИЦИЯ ЯРАТАЁТГАН ИМКОНИЯТ

Таққослаш учун мисол: истиқлолнинг дастлабки йилида Фарғона вилоятида хорижий инвесторлар иштирокида атиги 2 та қўшма корхона фаолият кўрсатар эди. Бугун эса вилоятда шундай ишлаб чиқариш субъектлари сони 102 тага етди. Шундан 78 таси қўшма, 24 таси эса хорижий корхонадир. Ўтган йили улар томонидан 674 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 2010 йилдагига нисбатан 40,3 фоиз ўсишга эришилди. Шундан 117,2 миллион долларлик қисми хорижга сотилди. Янаям қувонарлиси, бир йилнинг ўзида экспортга маҳсулот чиқараётган қўшма корхоналар сони 16 тага кўпайди. Ҳозир вилоятда тайёрланаётган саноат маҳсулотларининг бешдан бир қисми ушбу корхоналар ҳиссасига тўғри келаётир.

Албатта, мазкур кўрсаткичларга эришишда мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш, тармоққа хориж инвестициясини жалб этиш муҳим роль ўйнади.

Масалан, Тошлоқ туманидаги "Стапласт" масъулияти чекланган жамияти атиги бир турдаги маҳсулот — тугма ишлаб чиқариш билан ўз фаолиятини бошлаган эди. Ўтган даврда корхонага сармоя киритилиб, модернизация ишлари амалга оширилди. Натижада маҳсулотлар тури 100 дан ортди. Бинобарин, "Стапласт" негизида кореялик инвесторлар билан ҳамкорликда "СтаСамЯнгпластикКоЛТД" қўшма корхонаси ташкил этилди. Кейинчалик унинг таркибидан "Пальма пласт" хусусий корхонаси ҳам ажралиб чиқди. Ҳозир туманнинг Конизар маҳалласида фаолият кўрсатаётган мазкур корхона маҳсулотлари хорижда ҳам харидоргир. Жамоа ўтган йилнинг ўзида 305 минг АҚШ долларлик истеъмол товарларини экспорт қилди.

Яна бир эътиборли жиҳат: бундан ўн йил аввал экспорт тузилмасининг асосий қисмини пахта толаси ташкил этган бўлса, бугун пахтадан тайёрланган маҳсулотлар тола хом ашёсига нисбатан деярли 2 баробар ортиб, 32,4 фоизга етди. Ҳозир фарғоналик тадбиркор ва ишбилармонлар 81 давлат билан савдо алоқаларини йўлга қўйишган. Вилоят корхоналарида тайёрланаётган тўқимачилик, ипак маҳсулотлари, олтингугурт, гипс, пластмасса идишлар, юмшоқ сочиқлар, кир ювиш воситалари ва салқин ичимликлар дунё бозорида ўз харидорларини топиб улгурди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида Фарғона шаҳрида 8 та, Бувайда туманида 2 та, Марғилон, Қўқон шаҳарлари ҳамда Данғара, Олтиариқ, Тошлоқ туманларида биттадан хорижий сармоя иштирокидаги шундай корхоналар ташкил этилди. Тиббий хизмат кўрсатиш ва ташхис қўйишга ихтисослаштирилган "Фарғона тиббиёт диагностика", транспорт хизмати кўрсатувчи "БелТрансАзия", улгуржи савдо хизматига мўлжалланган "Махсус пўлат қурилма", пойабзал ишлаб чиқарувчи "Каспиан Персиан", мева-сабзавотни қайта ишловчи ва сақловчи "Азия Фрут Мега" корхоналари ана шулар жумласидан.

Мазкур ишлаб чиқариш субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш асносида вилоят иқтисодиётига 7,8 миллион АҚШ долларлик инвестиция киритилди. Шунингдек, янги қувватлар ўзлаштирилиши ҳисобига 578 киши доимий даромад манбаига эга бўлди.

Дарҳақиқат, босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бугун ўз самарасини беряпти. Бу мамлакатимизда иш билан банд аҳоли сафининг тобора кенгайиб бораётгани, маҳаллий маҳсулотларимиз ички ва ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллаётгани ҳамда энг асосийси, юртдошларимиз турмуш фаровонлиги юксалиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ватан ҳимоячилари бўлмиш иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди. Кўрик-танловнинг ҳарбий округлар, олий ҳарбий билим юртлари ва Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий қисмларида ўтган дастлабки босқичларининг ўн нафар ғолиби ўзларининг юксак ҳарбий тайёргарлигини, маънавий-маърифий, иқтисодий,

## Энг яхши ҳарбий хизматчи аёллар аниқланди

ижтимоий фанлар бўйича юқори билим даражасини, шунингдек, ижодий қобилиятларини намойиш этди.

— Илк бор ташкил қилинган ушбу кўрик-танловнинг айнан Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ўтказилаётганида катта маъно бор, — дейди Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округ бошқарув аппаратининг етакчи мутахассиси Тамара Маманова. — Давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсат туфайли йилдан-йилга мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда. Ушбу тадбир жамиятимизда аёл меҳрибон она ва мунис рафиқа, оиланинг кўрки бўлиш билан бирга, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси, Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиси ҳам эканлигини яққол кўрсатди.

Кўрик-танлов якунлари бўйича "Ҳарбий хизматчи аёллар орасида энг яхши мерган", "Энг билимли ҳарбий хизматчи аёл", "Энг гўзал ҳарбий хизматчи аёл" каби алоҳида ва бошқа кўплаб номинациялар бўйича ғолиб ҳамда совриндорлар аниқланди. Марказий ҳарбий округнинг ҳарбий қисмида шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар Нодира Мирзаева биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Тошкент олий ҳарбий қўмондонлик билим юртининг кичик сержанти Зебинисо Валихонова ва Шарқий ҳарбий округда шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар Мавлуда Шамсидинова насиб этди.

— Биз давлатимиз раҳбарига ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар учун ўз миннатдорлигимизни изҳор этамиз, — дейди кўрик-танлов ғолиби, шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар Нодира Мирзаева. — Ватан ҳимоячилари ҳурмат қилинадиган, хотин-қизларнинг ўрни юксак баҳоланадиган мана шундай мамлакатдагина бундай тадбирларни ўтказиш мумкин. Мен учун энг муҳими ғолиб бўлиш эмас, балки иштирок этишдир. Зеро, бундай тадбирларнинг ўтказилиши натижасида ўз тайёргарлигимиз ва касб маҳоратимизни оширамиз, ўз иқтидоримизни намойиш қилиш, энг муҳими, ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиш имконига эга бўламиз.

**С. ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Ташаббусга муносиб рағбат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Барча жойларда бўлгани каби ушбу дастурларнинг хоразмлик ёшлар ва тадбиркор аёллар ҳаётида ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳозирги кунга қадар вилоятдаги 20 нафар талаба "Таълим грантлари" ва "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар" дастурлари ғолиби бўлди. Бундан ташқари, тадбиркор хотин-қизлардан 8 нафари оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга мўлжалланган грантлар соҳиби, деб топилди.

Тақдимот акциясида ушбу дастурлар иштирок этиш ниятидаги ёшлар ва тадбиркор аёллар ўзлари қизиққан соҳа бўйича ўзаро тажриба алмашишди. Тадбир доирасида "Меҳр нури" жамғармаси мутахассисларининг маҳорат сабоқлари ҳам ўтказилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Солиқ қонунчилиги:

# Мулоқот ва тарғибот

*Мустақиллик йилларида республикамизда солиқлар юки узлуксиз камайтириб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳоли турмуш тарзининг янада фаровонлашишига хизмат қиляпти.*

Жараён

Яна бир эътиборли жиҳати, солиқлар юкининг пасайтирилаётгани хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида сарф-харажатларни тежаш, шунинг ҳисобидан янги иш ўринларини яратиш, корхоналарни модернизациялаш, ишчи-хизматчиларнинг маошини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш сингари муҳим масалаларни ўз вақтида ҳал этиш имконини бераётир.

Бу борада Бухоро вилояти давлат солиқ идоралари ходимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётгани эътиборга лойиқ. Чунончи, солиқ сиёсатидаги янгиликлардан солиқ тўловчиларни хабардор қилиш, уларнинг соҳага доир фикрларини кенгайтириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ривожига ижобий таъсир кўрсатиб, йўл қўйилиши мумкин бўлган қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, Бухоро шаҳар ҳокимлигида корхоналарнинг 454 нафар раҳбари ва ҳисобчиси ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар иштирокида семинар-учрашув ташкил қилинган, шунингдек, Бухоро ва Когон шаҳарлари, Жондор, Қоракўл, Пешку, Шофиркон, Қоровулбозор туманларида ўтказилган ана шундай тадбирларда 2600 нафардан зиёд киши қатнашгани бунинг ёрқин далолатидир.

Бундан ташқари, вилоят давлат солиқ идораларининг малакали мутахассислари томонидан уюштирилган семинар ва учрашувларда 2011 йил 31 декабрь матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун бўйича тайёрланган кўргазмали плакатлар ҳамда қўлланмалар асосида батафсил тушунтиришлар берилаётгани, тадбирлар асносида тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли тартибда жавоблар олишаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда.

Қисқаси, солиқ тўловчилар ўртасида олиб борилаётган бу каби тушунтириш ишлари, ўзаро очиқ мулоқотлар тизим қонунчилиги ижросини янада мустаҳкамлаш билан бирга, давлат бюджетига тушумларнинг ўз вақтида тушишини таъминламоқда.

**Раҳматилло РАҲМАТОВ,**
**Бухоро вилояти**
**Давлат солиқ бошқармасининг**
**бўлим бошлиғи.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Милиция таянч пунктларида эл корига ярайдиган, Ватанга садоқатли профилактика инспекторлари туну кун меҳнат қилмоқда. Уларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли "маҳалла" деб номланган бу ноёб демократия институти ўзини янада кенг намоён этмоқда. Муҳими, милиция таянч пунктлари саъй-ҳаракати билан маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятлар сони кескин камайишига эришилмоқда. Ўтган йилда 2 минг 254 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмагани бунинг исботидир. Бунда милиция таянч пунктларининг моддий-техника базаси ривожлантирилаётгани ҳамда профилактика инспекторларининг малакаси изчил ошириб борилаётгани ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар бир профилактика инспектори юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрната олиш хусусиятларига эга бўлмоғи лозим.

# СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

— Биз Ички ишлар вазирлиги академиясида бир ой давомида билим ва малакамизни оширдик, — дейди Янгиқўрғон туманидаги Работ маҳалласига хизмат кўрсатувчи милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Раҳимжон Тоғаев. — Бу ерда барча шарт-шароит яратилган бўлиб, касбий, жангавар, жисмоний тайёргарлик машғулотларида иштирок этдик. Мазкур машғулотлар профилактика инспекторларининг касбий билимини бойитиш, малака ва тажрибаларини ошириш ҳамда ташкилотчилик, ташаббускорлик ва фидойилик каби фазилатларни шакллантиришга қаратилгани билан жуда аҳамиятли бўлди. Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоблари, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мазмун-моҳияти билан ҳам чуқур танишдик. Буларнинг барчаси фаолиятимизга қўл келади, албатта.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИНГ КЎП МИНГ КИШИЛИК ЖАМОАСИ

**республикамиз хотин-қизларини яқинлашиб келаётган 8 март — баҳор ва гўзаллик байрами билан қизғин муборакбод этади!**

*Мунис онахонлар, меҳрибон опа-сингиллар, дилбар қизларимиз!*
*Сизлар барча соҳаларда фаол бўлиб, ҳаётимизга ўзгача қувончу шодлик, жозиба ва мазмун бағишлайсизлар.*

*Оилаларимиз таянчи бўлган сиз, азизлар, бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, эзгу ниятларингизга етиб, роҳат-фароғатда яшанг. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, қадрли хотин-қизлар!*

8 Март

343R/215



## Фойдали алоқаларингизни имкон қадар кенгайтиринг!

worldfood UZBEKISTAN Established 2000 – 12th Edition
agroworld UZBEKISTAN

**3-5 Апрель 2012**
Ўтказиш жойи: «Ўзэкспомарказ»

**КЎРГАЗМАЛАР**

12-Ўзбекистон халқаро кўргазмаси
**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ**

7-Ўзбекистон халқаро кўргазмаси
**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ**



Кўргазмаларнинг расмий очилиш маросими 2012 йил 3 апрель соат 11.00 да.

Кўргазмаларнинг ишлаш вақти:

| 3 апрель | 4 апрель | 5 апрель |
|---|---|---|
| 11:30 - 18:00 | 10:00 - 18:00 | 10:00 - 16:00 |

Қатнашиш масалалари юзасидан ташкилотчилар офисига мурожаат қилинг: (+998 71) 113-01-80.
Ташриф буюрувчилар кўргазмалар сайтларида On-line режимида рўйхатдан ўтишлари мумкин:
**www.worldfood.uz, www.agro.worldfood.uz**

ITE UZBEKISTAN
**ITE Uzbekistan**
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-«А».
Тел.: +(998 71) 113 01 80, Факс: +(998 71) 237 22 72, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, Web: www.ite-uzbekistan.uz
ufi Member
Guvohnoma № 3583
345R/115



## ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ВА УСКУНАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТЛИ ТАЪМИНОТЧИСИ

ROAD INTERNATIONAL

Жанубий Корея сармояси иштирокида ташкил этилган **«Road International Central Asia» МЧЖ** қуйидаги қурилиш техникалари ва бошқа турдаги ускуналарни таклиф қилади:





- экскаваторлар ва юкловчи экскаваторлар
- санчқи мосламали автоюкловчилар
- самосваллар, ёқилғи ташувчи ва автокранлар
- бетономиксерлар ва автобетонанасослар
- метан газ тўлдириш шохобчалари
- автомобиллар учун метан газ ускуналари
- қуёш энергияси элементлари
- дизель, бензин ёнилғиси ва газда ишловчи генераторлар

муқим ва кўчма шаклдаги

- асфальт тайёрлаш заводи
- тош майдалаш ва қум ишлаб чиқариш заводи (100 - 600 т/соат)







**БУЮРТМА БЎЙИЧА ИШЛАЙМИЗ.**

Мижозларимиз учун молиявий масалаларда қулай шартларни таклиф қиламиз.

**Ваколатхона манзили:**
**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 14-уй, «Germilea» биноси.**
**Мўлжал — Тошкент фармацевтика институти.**

**Тел./факс: (+99871) 140-10-91, 140-10-92.**
**Масъул шахс — Дилмурод Убайдуллаев.**
**Электрон почта: rico2008@mail.ru**
**Веб-манзил: www.rico21.com**

274R/202





# ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР,** диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ** — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97



ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ

**Кровельный материал** на стеклотканой основе, покрытый битумом




**Изол**
**Фольгоизол**

**Линолеум ПВХ**



*производство — Узбекистан.*
*Размер — 1.5; 2.0; 2.5; 3.0 м*

Прямые поставки от производителя.

ТЕЛ.: (+99897) 770-50-12, (+99871) 232-12-20, 232-18-94.

203R/136



HYUNDAI NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.



TUCSON

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

EURO2012 POLAND-UKRAINE

**DONGNAM UZ MOTORS**
Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

233R/101



МАГАЗИН-САЛОН УМНЫЙ ДОМ



*Теперь для вас не составит труда распознать личность нарушителя или определить номер автомобиля, просматривая запись системы видеонаблюдения.*

# IP камеры GeoVision для цифровых систем видеонаблюдения

- Превосходная детализация изображения.
- Сохранение высокой четкости наблюдаемых объектов при цифровом увеличении архивных записей или выводе изображения на видеостену.
- Удаленный просмотр и управление камерами через Интернет или через мобильный телефон.
- Поддержка двухсторонней аудио связи.
- Одновременная обработка, архивирование и отображение до 4000 камер и более.

Товар сертифицирован

238-99-99, 238-99-97, www.setko.uz

344R/



## ООО «SHANXAY PLAST GROUP»

*ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ*

SPG PIPILENE

производит
**полиэтиленовые трубы**
Ø от 16 до 800 мм
для водоснабжения, канализации и газа,

соединительные детали:
**тройники, переходники, отводы, адаптеры.**



*НА ВСЮ ПРОДУКЦИЮ ИМЕЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ И ГИБКАЯ СИСТЕМА СКИДОК.*

**Производим поставку, монтаж и комплектацию ПЭ-трубопроводов Ø от 16 до 800 мм под ключ.**

*Гарантия качества! Звоните!*

г. Ташкент, ул. Шайхантохурская, 36, бизнес-центр «Лабзак», 3-й этаж.
Тел./факс (8-371) 244-83-00,
моб.: (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 734-46-70
WWW.pipilene.uz E-mail: sedou2006@yandex.ru

143R/40



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02


Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси жамоаси озиқ-овқат саноати фахрийси

**Воҳид СОДИҚОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси жамоаси клиника қон қуйиш станцияси бош шифокори Мавлуда Адиловага укаси

**Алишер ҲАСАНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## барча соҳаларнинг самарали фаолияти ва жадал ривожида муҳим аҳамиятга эга

*Телекоммуникация бозорида хизматларга эҳтиёж ошиб бориши билан бир қаторда, уларнинг сифатига ҳам талаб кучаймоқда. Интернет билан таниш бўлган ҳар қандай киши биладики, сўнгги пайтларда мамлакатимизда глобал тармоққа тезкор уланиш ва ишлаш кенг йўлга қўйилаяпти. Бу — телекоммуникация соҳаси тараққиёти ҳосиласидир.*

### Глобал тармоқнинг беқиёс қулайликлари

Хусусан, ускуналарни мунтазам янгилаб бориш халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлигини 4,85 Гбит/с.га етказиш имконини берди. Ушбу кўрсаткич эса кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига ҳам, баҳосига ҳам бевосита таъсир ўтказади. Ўтган йил давомида интернет-провайдерлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар нархи қарийб уч барobarга камайтирилгани, мазкур соҳанинг бизнес учун қулайлигини ошириш баробарида, жорий йил бошида республикамизда рўйхатдан ўтган провайдинг билан шуғулланувчи корхоналар сони 945 тага етказилгани бунинг тасдиғидир.

Шунингдек, интернетдан фойдаланиш нархининг тобора пасайтирилаётганлиги ҳам унинг оммавийлашишига хизмат қилмоқда. Масалан, ўтган йили оддий фойдаланувчилар учун хизмат нархи ўртача 22 фоизга туширилди. Бунинг натижасида бугун Ўзбекистонда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 8,8 миллионга етди.

Интернет тармоғи афзалликлари ҳақида кўп гапирилган. Чиндан ҳам, у ҳар қандай чегараларни олиб ташлаб, бутун дунёдан ахборот олишга имкон яратади. Шу билан бирга, кўплаб фойдаланувчилар Ўзбекистонда юз бераётган воқеалар ҳақида ҳам интернетдан маълумот олишга интиладилар. Шу боис глобал тармоқнинг миллий сегменти — “.UZ” домен ҳудудига мурожаат қилишади. Бугунги кунда бу ҳудудда 13,5 мингта сайт ишлаб турибди. Уларнинг сифатига баҳо бериш учун Ўзнет бўйича бир “сайр қилиш” кифоя. Чунончи, ўтган йили яратилган “Olam.uz” порталида мамлакатимиз ва дунёда бўлаётган воқеалар, янгиликлар билан танишишингиз, электрон почта хизматидан, қидирув тизимидан, блоклардан фойдаланишингиз, бўш иш ўринлари ёки об-ҳаво ҳақида маълумотлар олишингиз мумкин. Бу сайтга кунига 10 мингдан ортиқ фойдаланувчи киради. Ўзнет ўзининг ижтимоий тармоқларини ҳам ривожлантирмоқда. Албатта, бу борада дунёга машҳур компаниялар билан рақобатлашиш қийин. Лекин Ўзнет ижтимоий тармоқларининг ҳам ўзига хос қулай жиҳатлари бор. Яқинда ишга туширилган “Muloqot.uz” тармоғи ўзбек тилидаги интерфейсга эга бўлиб, бугунги кунда унда 15,7 минг аккаунт рўйхатдан ўтгани шундан далолат беради.

Умуман олганда, оммавийлашган сайтларимиз анчагина. Фойдаланувчиларни, айниқса, кино, мусиқа, спорт мавзуларига доир ахборотлар, эълонлар, таълим веб-саҳифалари қизиқтиради. Бу эса интернет тармоғидаги миллий сегментнинг истиқболли эканлигини англатади.

Бундан ташқари, дастурлаштириш борасида ҳам катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Биз бугун мутахассисларимиз яратган ахборот алмашиш тизимидан, “Norma” электрон базасидан, бухгалтерлик ҳисоб-китобини юритишда “БЭМ” дастуридан, банк ва электрон тўловларининг автоматлаштирилган тизимидан кенг фойдаланиш имкониятига эгамиз. Ўтган йили 118 та давлат идораси ва корхонаси “E-xat” ҳимояланган электрон почта ва “E-hujjat” электрон ҳужжат алмашув тизимларига уланди. Бундай дастурларга эҳтиёж ортган сари уларни ишлаб чиқарувчилар ҳам кўпаймоқда. 2012 йилнинг бошида мамлакатимизда шу йўналишда фаолият юритадиган корхона ва ташкилотлар сони 235 тага етди.



### Навбат кутманг, компьютердан фойдаланинг

*Албатта, замонавий технологиялар ёрдамида нафақат ишни ташкил қилиш ва маълумотлар олиш, балки кундалик масалаларни ҳам ҳал этиш мумкин. Ахборот-коммуникация технологиялари туфайли кўплаб давлат хизматларидан фойдаланишимиз анча осонлашди.*

Мисол учун, қаерлардадир навбат кутиб, вақтингизни кетказгандан кўра, уйда компьютер ёнига ўтириб, интерактив усулда турли масъул шахсларга саволлар билан мурожаат қилишингиз ёки керакли маълумотномаларни олишингиз мумкин. Бундай тизимни янада такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2012 йил 1 февралда Вазирлар Маҳкамасининг “Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унда интерактив услубда фойдаланиш мумкин бўлган давлат хизматлари сонини кўпайтириш кўзда тутилган. Давлат солиқ идоралари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш натижалари ҳақидаги ёки Молия вазирлигининг коммунал соҳадаги нарх-наволар шаклланиши ва тасдиқланиши борасидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

Бу ўзгаришлар киритилгандан сўнг 195 та интерактив давлат хизмати тасдиқланди. Шу асосда ахборот-коммуникация воситалари орқали турли давлат идораларининг 450 турдаги хизматидан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва пойтахт ҳокимликларида махсус компьютерлаштириш марказлари ташкил этилди. Улар, жумладан, аҳолига онлайн-хизматлар кўрсатиш, маҳаллий ҳокимият органлари веб-сайтларини доимий янгилаб бориш ишлари билан шуғулланишади. Демак, эндиликда маълумот олиш учун идорама-идора сарсон бўлмасдан, уйда ўтириб, компьютердан фойдаланишга не етсин!

Бугун ахборот-коммуникация технологиялари тараққиётининг натижаларидан фойдаланмаётган, уларни инкор этадиган одамни топиш мушкул. Самарали меҳнат қилиш, ўқиш, кундалик масалаларни ҳал этиш, қолаверса, бошқалар билан мулоқот қилиш, дам олиш — буларнинг барчаси шу соҳа ривожи туфайли. Энг муҳими, бугун мамлакатимизда замонавий технологиялар барчамизнинг ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда.

### Тиниқ тасвир жозибаси

*Бугунги кунда компьютерлар олами ва интернет билан фақат бир восита — телевидение рақобат қилиши мумкин. Бу соҳада ҳам эндиликда бутун дунё миқёсида янги кашфиётлар амалиётга татбиқ этилмоқда.*

Бундан, хусусан, рақамли телевизион узатиш усулини қўллаш борасида бизнинг мамлакатимиз ҳам мустасно эмас. Пойтахтимиз ва ҳудудларда замонавий узатгичлар ўрнатилгандан сўнг рақамли сигнални Тошкент шаҳрида, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида қабул қилиш имконияти яратилди. Натижада тасвирнинг янада тиниқ бўлиши таъминланди. Шунингдек, бу — аҳолининг 38 фоизи қамраб олинди, дегани. Бунинг учун фақат керакли тюнер харид қилиш кифоя.

Дарвоқе, бундай ускуналарни мамлакатимизнинг ўзида ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Масалан, ўтган йили 50,5 минг дона тюнер тайёрланди.

**Мақсуд ИБРАГИМОВ,**
**Жамолиддин ТЎХТАШЕВ.**
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Шахмат

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ўртасида анъанавий шахмат турнири бўлиб ўтди.*

### Дипломатлар ўртасида шахмат беллашуви

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан саккизинчи бор ташкил этилган мазкур мусобақада АҚШ, Буюк Британия, Италия, Словакия, Латвия, Ҳиндистон, Эрон каби қатор давлатларнинг элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари ғолиблик учун кураш олиб борди. Шунингдек, юртдошимиз, Осиёнинг кўп карра чемпиони, бир неча бор Ўзбекистон биринчилиги ғолиби, гроссмейстер Антон Филиппов сеанс ўтказди.

— Ўзбекистонда барча соҳалар қатори спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганидан, унинг амалдаги самараларидан яхши хабардормиз, — дейди Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси шарафини ҳимоя қилган дипломат Фабио Молин. — Дипломатик корпус вакиллари ўртасида анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган турнир давомида кўплаб дўстларимиз билан учрашдик, дилдан суҳбатлашдик. Бундай тадбирлар, шубҳасиз, давлатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилади. Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини гўзал баҳор фасли — янгиланиш ва яшариш байрами билан қутлайман.

Икки кун давом этган қизғин беллашувлар якунида Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари биринчи, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳаваскор шахматчилари иккинчи, Буюк Британия элчихонаси ходимлари учинчи ўринни эгаллади.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




## ОБ-ҲАВО

(6 март)



| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | -3 -8 | -2 +3 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +3 +8 | +3 +8 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | -2 +3 | +5 +10 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | 0 +5 | +9 +14 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | -2 +3 | +5 +10 |
| Тошкент шаҳрида | 0 -2 | +8 +10 |

• Реклама ва эълонлар •

**ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ МИЛЛИЙ КИНОЛОГИЯ МАРКАЗИДА**

**2012 йилда капитал таъмирланадиган «Ўқув-машқ мажмуаси» биноси ва ҳудуддаги ер ости иссиқ сув қувурларини таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади.**

Танлов ҳужжатлари тўпламини ваколатли қатнашувчилар қуйидаги манзилдан олишлари мумкин: **Тошкент ш., Сергели тумани, Қипчоқ 2-тор к., 9-уй.**

Маълумот учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: **(8-371) 257-74-99, 258-63-22.**

*Барча таклифлар Миллий кинология марказининг юқорида кўрсатилган манзилида эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун ичида қабул қилинади.*

348R/203

**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?**

**Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?**

*Унда шошилиб таваккал қилманг.*

*Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.*

“KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” MChJ

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Лицензия: RR-0001.

*Унутманг!*

*«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.*

*Мурожаат қилинг ва барака топинг!*

249R/1441

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 106 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5